



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (13.873)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илгор "кластер модели"ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этмоқда.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, тўқимачиликда ярим тайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга инвестициялар ҳажминини ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 апрелдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:
  - а) 2019–2021 йилларда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўйидаги тартибда қопланади:

айланма маблағларни тўлдириш (тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ип-калава, трикотаж мато, ип газлама ва бошқалар харид қилиш) мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдоридан, аммо 5 фоизли пунктдан юқори бўлмаган ҳолда;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш (бино ва асбоб-ускуналарни сотиш олиш) мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютада бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан;

б) ноль ставкани қўллаш натижасида вужудга келган қўшилган қиймат солигини қайтариш зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан эътиборан 7 иш кунини давомида солиқ тўловчига тезкорлик билан қайтарилади. Бунда давлат солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таққослаш далолатномаси ҳамда қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби бекор қилинади;

в) биржа савдолари орқали пахта толасини сотишда қатъий талаб қилинадиган банк кафолатлари бекор қилинади. Бунда тарафлар ўртасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тартиби шартнома асосида белгиланади.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сил инфекциясидан ҳимоялаш, сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишининг олдини олиш, барқарор санитария-эпидемиология ҳолатини сақлаб туриш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экологик омиллар таъсирида ривожланадиган нафас органлари, айниқса, сурункали обструктив ўпка касалликларига учраган беморлар сонининг ошиши кузатишмоқда, респиратор патологияни касаллик ривожлангунга қадар эрта скринингловчи функционал таъминлаш амалга оширилмаётганлиги.

Фтизиатрия ва пульмонология хизматларининг интеграциялашуви етарли даражада эмаслиги респиратор касалликларга замонавий таъминлаш бўйича уларни даволаш усулларини амалиётга самарали татбиқ этишга имкон бермаяпти.

"Фтизиатрия" ва "пульмонология" мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини замон талабларига жавоб бермайди, натижада ҳудудий муассасаларнинг фтизиохирург, фтизиоуролог, фтизиоортопед, фтизиоофтальмолог, фтизиогинеколог, фтизиопедиатр, шунингдек, пульмонолог каби малакали мутахассислар билан таъминланиши етарли даражада эмаслиги кузатишмоқда.

Фтизиатрия муассасалари моддий-техника базаларининг етарли даражада эмаслиги, тиббий жиҳозлар ва техникаларнинг етишмаслиги сил касали ва ўпканинг носпецифик касалликларига чалинган беморларга ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатда барқарор санитария-эпидемиология ҳолати-

ни таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш ҳамда мазкур тизим муассасаларининг ресурс салоҳиятини муостаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

минтақавий эпидемиологик ҳолатни мунтазам равишда таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, сил ва унинг дориларга чидамли шакллари, ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалиши тенденцияларини прогност қилиш;

сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини келтириб чиқарадиган қўзғатувчиларни лаборатор таъминлаш усулларини сифат жиҳатида янада яхшилаш; инновацион усулларни жорий қилиш асосида сил ва носпецифик ўпка касалликларининг олдини олиш борасидаги комплекс профилактика ишларини амалга ошириш, силнинг латент шакллари, силни юктириб олиш хавфи юқори бўлган шахсларни, шунингдек, силнинг дориларга чидамли турига чалинган беморлар билан мулоқотда бўлган шахсларни таъминлаш бўйича таъминлаш ташкиллаштириш;

сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини профилактика қилиш, ўз вақтида таъминлаш ва даволашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий тадқиқотларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида барчага сифатли тиббиёт хизматларини таъминлаш ҳамда силнинг тарқалишига қарши чора-тадбирларнинг ОИВ/ОИТСни даволаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш дастурлари билан интеграциясини ташкиллаштириш.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2019–2025 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўтган вақт мобайнида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш миллий хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолати бузилишдан азият чекувчи шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3606-сонли қарорига мувофиқ аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт усуллари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек, республика психиатрия муассасалари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бажарилмоқда.

Жумладан, "психиатрия" йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталиқларга таъминлаш бўйича даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, таъмин қилиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
  - 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;
  - 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясининг 2019–2020 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда – Комплекс чора-тадбирлар) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш, руҳий хасталиқларнинг олдини олиш, уларга таъмин қилиш ва даволаш бўйича илгор технологияларни амалиётга жорий этиш, ушбу соҳадаги илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий тиббиёт амалиёти ривожланишини рағбатлантириш;

руҳий ҳолат бузилиши аломатларига эга бўлган инсонларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланиши ва уларнинг камситилишига йўл қўймайлик, руҳияти бузилган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилиши учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш;

руҳий саломатлиқни муҳофаза қилиш масалаларида аҳолининг бағирдорлик даражасини ошириш, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан нотўғри тасаввурларга барҳам бериш; ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини психиатрия ёрдами билан қамраб олиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

(Давоми 2-бетда)

## ШВЕЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ИНТИЛМОҚДА

### Тошкент шаҳрида Ўзбекистон – Швеция бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва "Business Sweden" Швеция савдо ва инвестициялар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодиёт, геология ва минерал ресурслар, ахборот технологиялари, машина-созлик, энергетика каби соҳалар бўйича масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ибратимов Шўҳрат Вафоев, "Business Sweden" савдо ва инвестициялар кенгашининг Евроосий бўйича директори Андреас Гиаллоуракис Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари охиб бораётганини таъкидлади.

Иккинчи бор ўтказилаётган Ўзбекистон – Швеция бизнес-форуми савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, – дейди Швеция Кириллинининг мамлакатимиздаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Ингрид Терсман. – Форумда иштирок этаётган Швециянинг ўнга яқин етакчи компанияси Ўзбекистонга тоғ-кон саноати, транспорт, энергетика, ахборот-коммуникация каби соҳалар бўйича ўз хизмат ва маҳсулотларини тақдим этиш истагиди.

Бизнес-форумда Ўзбекистон билан Швеция ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг геология ва минерал ресурслар, энергетика, транспорт инфратузилмалари, савдо-саноат, таълим соҳалари бўйича имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Швециянинг "ADB Safegate", "Scania", "Ericsson", "Alfa Laval Potok", "Sandvik", "EF Education First" каби компаниялари тақдимотлар ўтказди.

– Компаниямиз автобуслар, тоғ-кон саноатига мўлжалланган юк автомобиллари ишлаб чиқаради, – дейди ЎзА муҳбирига "Scania" компанияси вакили Артур Шафран. – 2012 йилдан буён Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорлик қиламиз. Ниятимиз ана шундай ҳамкорларни қўлайтириш.

Форум доирасида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Швециянинг "EF Education First" компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида "G2B" ва "B2B" форматида учрашувлар бўлиб ўтди.

Малоҳат ХУСАНОВА

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### КОНЦЕПЦИЯ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Парламент қуий палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси томонидан 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлашда фракциянинг асосий вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди, дея хабар беради ЎЗА.

Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўқинлик қилмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини

шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичларида узвийлик сустлиги ва бошқа сабаблар соҳани тизимли такомиллаштириш заруратига асос бўлмоқда.

Шу каби масалаларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинган Концепцияда юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-

шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишини этиб белгиланган.

Давра суҳбатида Концепция доирасида белгиланган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш учун соҳа мутахассисларининг тақлифури кўриб чиқилди.

Нурилло НАСРИЕВ

дарё вилоти меҳнат бошқармаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вилотдаги ҳарбий хизматчилари оила аъзолари учун меҳнат эрмачисига ташкил этилди.

● Бухорода 21-23 февраль кунлари I халқаро "Зиёрат туризми" форуми ўтказилди. Айни пайтда халқаро анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган аниқ чора-тадбирлар режасига мувофиқ, ташкилий ишлар олиб беришмоқда.

● Андижонда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш, ўтказиш ва тарғибот масалаларига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

● Ҳиндистон шимолидаги иккита штат – Уттар-Прадеш ва Уттаркхандда қалбаки спиртли

ичимликлардан оммавий заҳарланиш юз берди. Заҳарланиш Харидвор округидаги Баллупур қишлоғида дафн маросимидаги зиёфатдан кейин юз берган. Утқир заҳарланишдан 97 киши ҳалок бўлган, яна ўнлаб кишилар шифохоналарда қолмоқда.

● Чикагодаги Ўзбекистон – Америка уюшмаси Африканинг Камерун давлатида наватдаги ичимлик сувини чиқаришдек хайрли ишни амалга оширдилар. Бургуланган кудук Камерундаги Бардап аҳоли пунктига ўрнатилган.

● Соса Сола компанияси 10 йил ичида илк бор янги ичимлик чиқарди. 25 февралда компаниянинг Orange Vanilla деб номланган ушбу ичимлиги сотувга чиқарилади. Янги ичимлик апельсин ва ванил таъм уйғунлигида бўлади. Компаниянинг бренд-директори Кейт Карпентернинг айтишича, антика аралашма мевали-апельсинли музқаймоқни эслатади.



● Наманганда Президентимизнинг 2018 йил 24 декабрдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда 2019 йил 10 январда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросига бағишланган мажлис ўтказилди.

● Жанубий операцион йўналиш бошқаруви гуруҳи, Термиз ҳарбий прокуратураси ва Сурхон-



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банклари томонидан тикув-трикотаж корхоналарига берилган кредитлар бўйича фоизларни қоллаш учун зарур бўлган маблағларни 2019-2021 йиллар давомида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ажратсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил ҳосилидан бошлаб республика ташкилотларига пахта толасини сотишда қўшилган қиймат солиғи жaxon бозорларида шаклланган нархлардан қатъий назар, пахта толасининг амалдаги сотиш нархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференцияларни бекор қилиш бўйича ишчи комиссия (Б.М.Мавлонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририга ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган қоидалар киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг товар айланмасидан вужудга келган ноль ставкадаги қўшилган қиймат солиғини қайтариш тўғрисида тақдим қилган аризаларини кўриб чиқиш бўйича автоматлаштирилган дастурни ишлаб чиқсин ва амалиётга татбиқ этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019-2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш Концепциясини тасдиқласин.

комплекс ёндашув асосида хом ашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни, шу жумладан, саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг ички ва ташқи бозорларини тадқиқ қилиш;

ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, қўшимча қиймат яратишнинг ягона занжирини тузиш;

республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-кала-валарининг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида етакчи хорижий олий ўқув юртинларининг қўшма таълим дастурларини ташкил этсин;

ички ой муддатда 2019 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий компанияларнинг ўқув-ишлаб чиқариш кластери иштирокида ишлаб чиқариш объектларида таълим жараёнини бевосита амалга оширишни ташкил этиш бўйича тақлиф киритсин;

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти кадрларининг буюртмачилари битирувчининг базавий контракт тўловини иккинчи босқичда камида 50 фоиз, учинчи босқичда камида 75 фоиз, тўртинчи босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб берган тақдирда, битирувчининг буюртмачи корхонасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти тўғрисида шартнома тузилиши тартибини белгилаб қораларини кўрсин;

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йўл харита"си лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

Ўзбекистонда бир йилда камида бир маротаба тўқимачилик тадбирларини жaxon календарига киритган ҳолда тўқимачилик ва мода индустрияси халқаро кўргазмалари ўтказилиши чораларини кўрсин;

Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан кўриб чиқилаётган келишувларга миллий тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан божхона тўловларини камайтириш ва тартибга солишнинг нотариёф чораларини соддалаштириш масалаларини киритсин.

8. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг ягона ах-

борот портални (кейинги ўринларда – портал) ишлаб чиқсин ва ишга туширилишини таъминласин:

тармоқнинг тендер савдолари (танловлар), кўргазма ва ярмаркалар, шу жумладан, хорижий кўргазма ва ярмаркалар рўйхатини эълон қилиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини экспорт қилишнинг тўлиқ жараёнига масофавий ўқитиш; бутун дунё мамлакатлари бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш таҳлили юзасидан тўлиқ ҳисоботлар билан таништириш;

"Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш навиғатор чоралари"ни жойлаштириш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ишлаб чиқарувчилар ва хизматлар, материаллар ва хом ашё етказиб берувчилар жойлашуви кўрсатилган Ўзбекистоннинг интерактив харитасини яратиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Ўзбекистоннинг қийсий устунликларини эълон қилиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган онлайн-дастурий маҳсулотларини хорижий аналоглар билан интеграция қилиш;

молия хизматларини, шу жумладан, лизинг контрактлари бўйича қарз маблағларини, ускуналарни ҳамда сугурта хизматларини жалб қилиш бўйича етказиб берувчиларни акс этириш;

миллий тўқимачилик корхоналари учун ишлаб чиқариладиган ва талаб қилинадиган хизматлар, материаллар ва хом ашёлар номенклатураси ва ҳажмини жойлаштириш.

9. "Ўзстандарт" агентлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

2019 йил 15 февралга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларига уларни синовдан ўтказиш усулларига талабларни белгиловчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиши лозим бўлган стандартларни белгиласин;

2019 йил 1 мартга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотларига ва уларни синовдан ўтказиш усулларига халқаро стандартлар рўйхатини, бел-

гиласин ва уларни босқичма-босқич қабул қилиш жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор ташкилотлар ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг амалдаги экспорт шартномалари гарови эвазига уларнинг маҳсулотларини экспорт олди молиялаштириш механизмининг татбиқ этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудида тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашишни кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

12. Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Ф-5194-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига аъзо тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган ҳолда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган суний ва синтетик тола, жун, хом ашё ва бошқа материаллар рўйхатида:

"ТИФ ТН коди" устунининг 128-позициясидаги "5509 31 000 0, 5509 32 000 0, 5509 61 000 0" рақамлари чиқариб ташлансин;

129-позиция чиқариб ташлансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М.Мавлонов ва Г.К.Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 12 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2019–2025 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини билан интеграция қилиш;

аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш; психиатрия ёрдамидаги кўрсатишда, айниқса, республика ҳудудларида идоралараро мултидисциплинар бригада иши моделини жорий этиш;

психиатрия ёрдамидаги кўрсатувчи амалдаги муассасалар негизда фаол терапияга ва кенг қўламли даволаш-реабилитация комплекс тадбирлари ўтказишга, кундалик врачлар кузатувида бўлишга муҳож бўлган, бироқ куну тун психиатрия стационарига жойлаштирилиши шарт бўлмаган руҳий ҳолати бузилиши зўрайдиган ёки компенсацияси бузиладиган шахслар учун кундузги стационарлар фаолиятини ташкил этиш;

психиатрия ёрдамидаги кўрсатувчи муассасалар моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимлари рўйхатига "Ўзбекистон Республикаси Бош психиатри" ва "Ўзбекистон Республикаси Бош суицидологи" лавозимларини киритиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

4. Руҳий ҳолати бузилган шахслар уларга психиатрия ёрдами кўрсатилиши вақтида давлат тизими доирасида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.К.Шодмонов):

психиатрия ёрдамидаги олим ижтимоияти, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, руҳий ҳолатлар бузилишининг ижтимоий ва иқтисодий юқини камайтириш, шунингдек, аҳолининг кўрсатилаётган даволаш-диагностика ва тиббий-реабилитация ёрдамида тўлиқ қониқчи ҳосил қилишига эришиш мақсадида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини янада мақбуллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётга руҳий ҳолатлар бузилишига таъсир қилиш ва уларни даволаш клиник протоколларини жорий этиш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни замонавий юқори самарали дори воситалари билан таъминлаш бўйича чоралар кўрсин;

иш вақтини хронометраждан ўтказиш орқали аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этадиган мутахассислар иш ҳажми нормативларини келгусида шлат нормативларига ўзгартиришлар киритган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот тақдим этган ҳолда, уларнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросига, шунингдек, аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилишга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни мунтазам тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш юзасидан чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва киритишда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари ҳамда ваколатлари аниқ чегараланишини назарда тутсин.

7. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимовга – Концепция ва Комплекс чора-тадбирларни ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига – Концепция ва Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажариш; илмий-таҳлилий ва таълим муассасалари раҳбарларига – фундаментал ва амалий фанлар ривожланишини таъминлаш, шунингдек, аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор мақсадлари ва вазирларини, шунингдек, Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросининг боришини ёритиш бўйича мақоралар ва мавзуга доир телекўрсатувлар ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 13 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Қуйидагилар:

2019–2021 йилларда сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирлари (кейинги ўринларда – Комплекс чора-тадбирлар) 1-иловага мувофиқ;

2020–2021 йилларда фтизиатрия муассасалари биноларини реконструкция қилиш тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

2020–2021 йилларда фтизиатрия муассасаларини замонавий ташхиллаш, даволаш ва реанимация ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастури 3-иловага мувофиқ;

2020–2021 йилларда силга қарши санаторияларини замонавий реабилитация, ташхиллаш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатлар, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари (қараларини, грантларини) ушбу қарорда тасдиқланган Комплекс чора-тадбирлар ва дастурлар бажарилиши учун жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодийёт ва саноат вазирлигининг 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб "Фтизиатрия" ва "Ппульмонология" мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада кадрларни тайёрлаш фақат давлат грантлари асосида амалга оширилад.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: иммунодиагностикани ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 апрелга қадар сил касаллигини юқтириб олиш хавфи юқори бўлган шахсларнинг асосланган контингентини аниқласин;

2019 йил 1 майга қадар Республика иختисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий марказларининг

янгиланган ташкилий-штар тузилмаларини "Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича кўзда тутилган йиллик бюджет маблағлари доирасида тасдиқласин;

2019 йил 1 майга қадар республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмини, пульмонолог хонасини жиҳозлаш стандартларини, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгилаган ҳолда пульмонология бўлимини фаолиятини ташкиллаштиришни назарда тутувчи пульмонология йўналиши бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

2019 йил 1 июнга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахсларда аниқланган латент силни ташхиллаш ва даволаш тадбирларини ташкиллаштириш, шунингдек, ушбу тадбирларни молиялаштириш маблағларини аниқлаш бўйича тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддатда сифатли ташхиллаш, силга қарши дори ва индивидуал химоя воситаларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва ривожлантириш бўйича тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тиббиёт олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва оқламаларини танқидий ўрганиш натижалари асосида тиббиёт олий таълим муассасаларининг "Фтизиатрия" кафедраларини "Фтизиатрия ва пульмонология" кафедраларига қайта иختисослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар сил ва ўпканинг носпецифик касалликларини, шунингдек, фтизиатрия муассасаларини моддий-техник жиҳозлашнинг замонавий клиник қўлланма ва протоколлари, ташхил ва даволаш сифатига оид стандартларини ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда фтизиатрия муассасаларини иммунодиагностика ва силга қарши дори воситалари билан таъминлаш учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин.

7. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А.Абдуҳакимовга – ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ҳамда унинг амалга оширилишини мунтазам кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Кўчқоровга – ушбу қарорда белгиланган тадбирларни тўлиқ бажариш учун зарур маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда ажратиш; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги А.К.Шодмоновга – ушбу қарорда белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, фтизиатрия муассасалари ва силга қарши санаториялар биноларининг ўз вақтида фойдаланишига топширилиши ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида сил ва носпецифик ўпка касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш, даволаш масалалари бўйича ахборот-маърифат ишларини мунтазам равишда амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 13 февраль



14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд куни

**Юртимиз буюк алломаларга бешик бўлган табаррук маскан. Бобокалонларимиз яратган улуғ асарлар жаҳон аҳлини ҳайратга солган ва ҳамон дунё уларни севиб мутолаа қилади.**

**“ҲАР КИМКИ ВАФО ҚИЛСА, ВАФО ТОПҚУСИДИР...”**

Мамлакатимизда кейинги йилларда буюк аждодларимиздан қолган бебаҳо ёдгорликлар, хоржий мамлакатларда сақланаётган бой илмий- маданий меросимиз нумуналарини Ватанимизга қайтарилган бир қанча эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Бобур номи халқаро жамоат фонди ва фонд ҳузуридаги халқаро илмий экспедициянинг чорак асрдан амалга ошириб келаётган ишлари эътиборга молик. Халқаро илмий экспедициянинг илк юриши 1992 йилнинг 19 майдан 15 июнигача бўлган. Экспедиция таркибига 14 киши бўлиб, автомобилда 18 миң километрдан зиёд йўл босган. Андижондан бошланган сафар қатнашчилари Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Хўжа Аҳрор, Баҳроуддин Нақшбанд ҳамда бошқа улуғ азиз-авлиёларнинг қадимжоларини зиёрат қилиб, Туркманистон ва Эрон орқали Саудия Арабистони ҳудудига ўтишган. Президентимизнинг ташаббуси билан экспедициянинг ўнлаб сафарлари натижаси сифатида “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ташкил қилинди. Бу ерда 500 дан ортиқ ноёб кўлэзма асар ва китоблар сақланмоқда. Шунингдек, Бобурнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ноёб асарлар ҳам Ўзбекистонга олиб келинди ҳамда илмий истеъмолга киритилди.

Бобур таваллуд куни арафасида маъzur халқаро жамоат фонди ва илмий экспедиция раҳбари Зокиржон МАШРАБОВГА ЎЗА МУХБИРИ САВОЛЛАР билан муносабат қилди.

**– Зокиржон ака, ўтган йилда қилинган ишлар ҳақида мухтасар айтиб ўтсангиз?**

– Ўтган йили Бобур халқаро илмий экспедициясининг навбатдаги илмий сафари Хиндистонга уюштирилди. Сафар давомида Ўзбекистон Республикасининг Хиндистондаги элчихонаси ва Бобур номи халқаро жамоат фондидининг Деҳли бўлими билан биргаликдаги ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида Деҳли, Рампур, Лахнава, Патна, Агра ва бошқа шаҳарларда жойлашган бир қанча кутубхона, музей ва архивларда сақланаётган буюк аждодларимиз томонидан яратилган 120 дан зиёд ноёб асарнинг нусхаларини кўлга киритиб, юртимизга олиб келишга муваффақ бўлдик.

Йил давомида жамоат фонди ўқувчи-ёшлар, талабалар, турли ташкилотлар вакиллари ҳамда Бобур илосмандлари билан учрашув ва давра суҳбатлари уюштириб, ушбу учрашувларда иштирокчиларга тегишли материаллар ва Андижон шаҳрининг тарихи билан боғлиқ китоблар совға қилинди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижасида ноёб китоб ва нодир кўлэзма асарлари юртимизга олиб келиниб, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида муҳасаслаштирилди ва илмий истеъмолга киритилмоқда. 30 дан ортиқ илмий-бадий китоб чоп этилди.

Шунингдек, Ҳайдарободдаги Саларжанг музейида сақланаётган қадимий ўзбек тилида ёзилган “Бобурнома” асл нусхасининг иккинчи ксероносухасини олиб келишга мушарраф бўлдик. Шунингдек, “Куллиёти Бобур” танланган асарларини Эрондан олиб келишга эришдик. Буюк бобокалонимиз “Хати Бобурий” номи билан машҳур ёзув яратиб, Куръони Каримни кўчиртириб, Мадина Мунавварага юборган. Экспедициямиз 10 йил давомида бу улуғ меросни излаб топди ва Эрон давлати билан келишилган ҳолда ушбу асарнинг нусхасини ҳам “Бобур ва жаҳон маданияти” музейига олиб келдик.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди олдида яна бир муҳим вазифа турибди, яъни

“Бобурнома”нинг йўқолган қисмини излаб топиш. “Бобурнома” 36 йил ёзилган. Шундан бизгача асарнинг ярми – 18 йили етиб келган, холос. Қолган 18 йилини излаб топишимиз керак. Бобур 1494 йил тахтага ўтирган кундан бошлаб “Бобурнома”ни ёза бошлаган. У токи Бобурнинг вафотига қадар – 1530 йилгача ёзилган. Бизгача етиб келган “Бобурнома”да бор-йўғи 18 йил воқеалари бор, холос. Қолган ярми қани? Буюк аждодимиз Бобур ҳазратлари “Ҳарб иши”, “Муסיқа сирлари”, “Қофия илми” деган асарлар ҳам яратган. Уларни ҳам излаб топиш бизнинг олдимизда турган асосий вазифа саналади.

**– Фаолиятингиз давомида дуч келган бошқа маълумотлар ҳақида нима дейсиз?**

– Африка қитъасидан то Хиндистон ярим ороли – Бирмага қадар буюк аждодларимиз хоклари ётибди. Уларнинг қабрларини излаб топиб бордик ва фарзандлик бурчимизни бажариб, Куръон тиловат қилдик. Уларнинг ичида қабрлари ўта хароб ҳолатда ётганлари ҳам бор. Масалан, Форобий ҳазратлари Дамашқда, Али Қушчи Истанбулда, Ахмад Фарғоний Мисрда, Ал-Хоразмий Богдода ётибди. Афғонистонда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мавлоно Лутфий, Камолитдин Беҳзод, Беруний ҳазратлари, Бобороҳим Машраб каби улуғ аждодларимиз мангу қўним топан. Ҳозирги кунда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолитдин Беҳзоднинг қабрларини тиклаб, зиёратгоҳга айлантирдик. Бу ишлар бардавом бўлади.

**– Яна қандай ишларни амалга оширишни мўлжаллаб турибсизлар?**

– Юқорида номлари зикр этилган улуғ аждодларимизнинг бирортаси ҳақида энциклопедия яратилмаган. Биз Бобур энциклопедиясини яратиш учун қаттиқ шуғулландик. Айни пайтда иккита нашрини чоп этишга улгурдик. Биринчи нашри: 2014 йилда чиқди. Иккинчи нашрини ҳам қамчиликларни тўлдирилган ҳолда 2016-2017 йилларда чиқардик. Яна бир хайрли ишни амалга оширдик – “Бобур ва жаҳон маданияти” музейида сақланаётган асарларнинг библиографиясини тиздик. Бунга қизиқиш кўпайгач, республика миқёсидаги кутубхоналарда сақланаётган Бобур ва бобурийларга оид асарларнинг ҳам библиографиясини яратдик. Россия Фанлар академиясининг Туркология институти қизиқиш билдиригач, 5-6 та нуска юбордик. Улар билан ҳамкорликда 2016-2017 йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари библиографиясига оид катта асарни яратдик. Россия Фанлар академияси билан ҳамкорликда яратилган ушбу библиография дунёга машҳур бўлиб, кўлланма сифатида фойдаланиб келинапти. Бобур ва бобурийларга оид бир неча асарларни форс, инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириб, китобхоналарга етказишга кўмаклашдик. Масалан Бобурнинг ҳолаваачи Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” дея номланган китобини ўзбек тилига ўгирдик. “ХVI аср бунёдкор”, “Гулбадан”, “Бобур – йўлбарс”, “Андижон шахзодаси” каби китобларни ҳам инглиз, немис тилларидан ўзбек тилига таржима қилиб, китобхоналарга етказдик.

Ҳа, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди кўнжа тарихимизни тиклаш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросни излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Зеро, шох ва шоирнинг ўзи айтганидек, “Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир...”

Озода БЕКМУРОДОВА

**БОБУР ҲАРБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур йирик саркарда ва давлат арбоби. У жаҳонга машҳур “Бобурнома” асари, дилбар ғазалларини жамлаган шеърини девони, арузга оид “Мухтасар”и ва яна бир неча асарлари билан шухрат топган улуғ шахс. Албатта, унинг ҳарбий юришлари, ғалаба ва мағлубиятлари ҳақида ҳам тарихчи олимларимиз анчагина фикрлар билдиришган.**

“Бобурнома”ни синчиқлаб мутолаа этарканмиз, бу теурийшоданинг ёшлигидан бобоси Амир Темури империясини қайта тиклашда, кенг миқёсдаги ҳудудда ягона, мустақкам сиёсатни юргизишга интилишида, орзуларини маълум даражада рўйбга чиқаришда нималарга асослангани ҳақида ўйладик. Биз бу ечимни Бобурнинг изчил шахсий жасорати, ўткир тафаккури, ҳарбий маҳоратида кўрдик.

Таҳлилимиз 1495-96-йиллар воқеалари – Бобур 13 ёшда пайтида Хуросон, хусусан, Хисорда қандай ҳолат ҳукмрон бўлганидан бошлаймиз. Бу даврда теурийшоданинг шахзодалар ва беклар юрт олишга ошиққан. Султон Хусайн Бойқаро тасарруфидоги Хисорда Султон Махмуд Мирзонинг беки Хисравшоҳ бош кўтариб, Бойқаро билан урушиб, икки марта унинг устидан ғолиб келди. Бобур бу ҳолатга шундай баҳо беради: “Хисравшоҳнинг мунча улғаймоғига ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғига Султон Хусайн Мирзонинг икки қатла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди”.

Бобур Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамоннинг Хисравшоҳ, укаси Вали ҳамда тарафдорларига қарши муҳорабасини чуқур таҳлил этади. Хусайн Бойқаро ва лашкарларининг муҳораба сирларидан огоҳ эмасликлари, аввало, ғаним ҳақида кам маълумотга эгалиги, душманнинг босиб, янчиш ўрнига иккиламчи ишларга берилишини ёзади. У Хусайн Бойқаронинг икки ойлик ҳаракати маккор Хисравшоҳнинг оддий хийласи – Хусайн аскарлари жойлашган кўрғон, уйларга қалъа тешигидан тутун киритиб, уларнинг устидан осонгина ғолиб келганини афсус билан ёзади: “Алар тўшукни беркитган била тутун юқори кўрғон элига ўқ ёниб, кўрғон эли ўлум ичи бўлиб, қочиб чиқтилар”.

“Бобурнома”да Хусайн Бойқарони ўткир саркарда, қилчбозликда беназирлиги эътироф этилса-да, рақиб билан муҳорабада ҳужумдан кўра мудорофага кўпроқ эътибор бериши танқид қилинган. Юқоридаги ҳолатда ҳам Хусайн йигитлари тутундан диққинафас бўлган лашкарни кўриб ҳужумга ўтишга рухсат сўраганда у кеч бўлгани, қоронғу тушаётганлигини сабаб билиб, рухсат бермади. Бобур Султоннинг бу амрини маъzur муҳорабадаги қаттиқ янглишиш сифатида баҳолайди: “Баъзи йигитлар тезлик қилиб урушга рухсат тиладилар. “Кечадур” деб Мирзо рухсат бермади”.

Бобур уруш манзараларини тасвирларкан, ғалаба ва мағлубиятни ҳарбий куч, аскар ва зобитлар сони, ҳарбий восита, қуроллар кучи ва ўлчови билан белгилайди, қиёслайди, солиштиради. Унингча, ғалабага эришиш учун рақибдан аскар сонига кўра устун бўлиш шарт эмас. Зотан, Хисравшоҳнинг му-

ҳораба тажрибаси устунлик қилган. Хусайн Бойқаронинг душман кучи, уруш мавқеи, вақтини (“Баҳор ёғинлари жиҳатидин...”) аниқ инobatла олмагани уни мағлубиятга олиб келган. Энг ачинарли томони, бу муҳорабада Хусайн лашкари сон жиҳатидан устун бўлган (“Буллар мунча мизозлар ва мунча сардор беклар, бовужудким кишилари икки Хисравшоҳнинг кишисича бўлмаса, бир ярим ончада, худ не сўз...”). Яна ачинарлиси, Хусайн тарафдорларининг ғалабага ишонсизлиги, урушига жазмлари йўқлиги уларни икки ой қавлаган хандақларидан ташқарига чиқмай ёв билан олишишларига монелик қилган (“...жазм рияяти қилиб, хандақдин чиқмадилар”).

Бобур теурийшоданинг ташқаридан бўладиган таҳдид ва ҳужумларни биргалишиб бартараф этишга ўта жиҳдий ёндошган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Шайбонийхон томонидан Хиротнинг босиб олингани Бобур томонидан қандай таҳлил қилинганини кўриб чиқайлик. Таниқли рус шарқшуноси Н.Веселовскийнинг хайратли ибораси билан айтганда, “Бобур ботиригининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди”. Инглиз тарихчиси Эдуард Холден, аввало, Бобурни машҳур Юлий Цезар билан қиёслашни лозим топади: “Бобур фельдтворига кўра, Цезарга қараганда севишга арзишқиларди. Унинг мангалийга юксак фазилатли инсон” деб битиб қўйилган”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий ва саркардалик салоҳиятига оид айрим маълумотлар қайд этилди, холос. Бобокалоннинг ҳарбий соҳадаги беназир салоҳияти келгусида кўплаб тадқиқотлар, илмий ва бадий асарлар учун мавзу бўлиши шубҳасиз. Жумладан, Бобур ҳақида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. “Тарихи Рашидий” асарига: “...У турли фазилатлар билан безанган ва мактовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу бандча фазилатларидан шижоат ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас” – деб қайд этилган бежиз эмас. Ёки Жаҳоҳарлаъ Нерунинг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида: “Бобур дилбар шахс эди. Уйғонши даврининг аjoyиб султони, қучли, тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севади” деб ёзилган.

“Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиедаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмади” – деб эътироф этган “Бобурнома” асарининг тарихмони Уильям Эрскин.

**Феруза МУХИТДИНОВА, ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси профессори, юридик фанлари доктори**

**Хабарлар**

**МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР**

**“Халқлар дўстлиги” саройи майдонида профилактика инспекторлари, маҳалла раислари ва фаолларига пул мукофотлари топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Жинойatchиликни камайишига салмоқли ҳисса қўшган 250 дан ортиқ маҳаллалар вакилларига мукофотлар топширилди. Тақдирланганлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-полковник Пўлат Бобоқонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқўжаев табриқлашди. Сўзга чиққанларнинг таъкидлашича, ички ишлар органлари ходимлари, бошқа ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар, Миллий гвардиянинг эрта олдидан олишдаги ўрни катта. Ҳар бир туманда 4 дан 8 тагача ички ишлар бўлими ташкиллаштирилди, уларнинг ҳар бирларида тезкор навбатчилик қисми фаолият юритиши фуқароларнинг муносабат билдириш тизимини оширди.

Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлари, шунингдек, “Фидокор ёшлар” гуруҳлари вакиллари иштирокида олиб борилаётган навбатлик амалиёти натижасида пойтахт кўчаларида ва жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, 2017 йилнинг январь ойида жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 291 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг январь ойида – 304 тани, 2019 йилнинг январь ойида эса 424 тани ташкил этди. Пойтахт ички ишлар органлари тизимида ўтган йили бошланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ўзгаришлар, ИИББ ишлаш принципи ва усулини ислоҳ қилиниши аҳлининг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни ҳал этилиши бўйича амалий чоралар қўрилишига, бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсонга манъили ёрдам берилишига қаратилган. Ўтказилган тадбир аҳолини ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш қанчалик юқори баҳолинидан далолат беради. Мукофотлар эса нафақат рағбат-лангирчилик омил, балки катта масъулият ҳам оқлайди.

Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот мультимедиа маркази

**“ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ”ТА ЯНГИ АВТОБУСЛАР КЕЛТИРИЛДИ**

**Аваллар хабар берилганидек, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖга қарашли автосаройларга янги автобуслар келтириш давом этмоқда.**

Бу ҳаракат тарихини босқичма-босқич янгилаб боришга ёрдам беради.

Хусусан, “4-автобус саройи” МЧЖ тасарруфидоги 64-“Эркин кўрғони – “Обод турмуш” маҳалласи” йўналишига 20 ўрта сизимли SAZ LE 60 автобуслари бириктирилди. Бундан ташқари, “7-автобус саройи” тасарруфидоги 91-“Чилонзор, 25 ҳафта – Тошкент вокзали” йўналишига ҳам худди шу русумдаги 3 та автобус қўйилди.

Янги автобуслар 12 февралдан йўналишларда фаолиятни бошлаган.

**ПОЙТАХТДА ИККИТА “BUSINESS CITY” ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ**

**Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида маҳаллий ва хоржий бизнес-тузилмалар, журналистлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида янги “Business city” лойиҳаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Лойиҳалар Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда “Mirzo Ulugbek Business city” лойиҳаси Амир Темури майдонидан Мустақиллик ва Мирзо Улуғбек кўчалари бўйлаб 6,5 км масофада, “Yunusobod Business city” лойиҳаси Янги шаҳар ва Чинобод кўчалари қесимида жойлаштириш кўзда тутилди.

Маъzur лойиҳалар доирасида замонавий ускуналар билан жиҳозланган меҳмонхоналар, кўп қаватли турар-жой бинолари, чакана савдо дўконлари, кўп тармоқли мажмуалар, иктимой инфратузилма объектлари кабиларни ўз ичига олади. Маълумот учун, “Yunusobod Business city” маркази 4 та лотдан иборат. 41 гектар майдонда қурилиши қўйилган меҳмонхоналар биринчи лотда 9,12,15 қаватли 3 ва 4 юлдузли меҳмонхоналар бунёд этилади. Иккинчи лот худудида мактаб ва бошқа ҳамда 1388 ўринли автотураргоҳ барпо этиш кўзда тутилган. Майдони 1,4 гектар бўлган учинчи лотда офис ва меҳмонхоналар, 12 ва 15 қаватли бинолар қурилади. 18,2 гектарлик тўртинчи лотда эса катта боғ, кичик дўкон ва ресторанлар қуриш режалаштирилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

**ҚИСҚА САТРАПДА**

● Миробод тумани ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, прокуратура ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамкорлигида туманда тикувчилик “CO-WORKING” марказининг очилиш маросими ўтказилди.

● “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки бош биносига банк раҳбарияти ҳамда Тошкент давлат иттифодиёт университетини ва Тошкент молия институтининг бир гуруҳ битирувчи талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда қилчбозлик спорт тури бўйича қаедалар ва ўсмирлар ўртасида Марказий Осие қилчбозлик Конфедерациясининг 1 очик чемпионатига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Чемпионат 15-17 февраль кунлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Академик фан ва замонавий аxbорот технологиялари” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Сихаттох” санаториясида Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан ҳамкорлигида “Солиқ имтиёзлари – фаровонлик омил” мавзусида семинар ўтказилди.

● Учтепа туман “Оила” марказида никоҳланувчи ёшлар билан давра суҳбати ташкил қилинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**Тадбирлар**

**ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎЙИНИ**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир Яққасарой туман “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилди.**

Республика Хотин-қизлари кўмитаси эксперти Ж.Шермухамедова, Низомий номи ТДПУ миллий гоа ва маънавий асослари кафедраси доценти Н.Акаева, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар Бош бошқармаси раҳбари Ш.Шамуталова, туман жиноят ишлари бўйича суд раиси Х.Ҳайитов, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Султанова ва бошқалар юртимизда ёшлар онгига оиланинг муқаддас неъмат, азиз қадриятлардан бири эканини сингдиришга, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янада тақомиллаштириш масалаларига жиҳдий ёндашляётганини таъкидлади.

– Тумандаги корхона ва ташкилотлар билан оила институтини мустаҳкамлаш борасида “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Замонавий намунали оила” ҳамда “Оила жамият ва давлат ҳимоясида”, “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” концептуал гоясини кенг тарғиб этиш мақсадида тумандаги маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона-ташкilotларида тарғибот

тадбирлари, давра суҳбатларини мунтазам равишда ташкил этиб келмоқдамиз, – дейди Яққасарой туман “Оила” маркази раҳбари Нилуфар Қодирова. – “Фаровон оила – жамият равнақининг асоси” шiori остида “Мустақкам оила – юрт пайдевори”, “Ажрашишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари”, “Соғлом оила – соғлом жамият”, “Оила жамият ва давлат ҳимоясида”, “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёт кафолати” мавзусидаги тадбирлар тумандаги мавжуд маҳаллалар, касб-хўнар коллежи академик лицей ва умумтаълим мактабларида мутассил равишда ўтказилиб келинмоқда. Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад эса, оила осойишталиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш, оилалардаги турли низоли ва муаммоларни муносабатларнинг олдини олиш, ҳуқуқий, психологик билимларини оширишдан иборатдир.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази туман бўлими томонидан тўзилган ҳуқуқшунослар, психологлар, ҳамкор ташкilotлардан иборат тарғиботчилар гуруҳ-

лари оила иқтисодиёти, рўзгор ва бюджетни юритиш, оиладаги ижтимоий муҳит, никоҳ муносабатлари, соғлом турмуш тарзи, гендер масалалари, оилавий муносабатларни уйғунлаштириш ва низоларнинг олдини олиш, алимент тўлаш шартлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг салбий оқибатлари мавзусида ўтказилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини теранроқ очиб беришда ўз хиссаларини қўшмоқда.

Жумладан, ушбу мавзуларда мунтазам тасдиқланган ўқув дастури асосида ҳафтанинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари 1-сонли Никоҳ уйи ва туман ФХДБ бўлимида ташкил этилган “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби”да никоҳни қайд этиш учун ариза топширган ёшлар учун ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Унда бўлажак келин-куёвлар – ёшларимизни оилавий ҳаётларда учрайдиган муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари, муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, соғлом турмуш тарзи, жинсий ҳаёт, никоҳдан ташқари муносабатларнинг олдини олиш, муҳаббат, рашқ, садоқат, меҳр-оқибат туйғуларини оила мустаҳкамлигига таъсири, аёл ва эркек психологиясининг ўзига хос хусусиятларидан оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда фойдаланиш, намунали оилани шакллантиришда миллий қадриятларнинг аҳамияти, ислом дини оилавий муносабатларнинг емирилиши, ажримлар билан боғлиқ жараёнларда ҳуқуқий масалалар борасида ўз билим ва кўникмаларини ошириб борадилар.

Тадбир мулоҳоза ва қизгин фикрларга бой тарзда яқунланди.

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Дилноза Асадова Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган ёш ижрочиларнинг "Кумуш камертон" халқаро танловда иштирок этганида 9 ёшда эди.

Катта саҳнада ўзбек кизи кўнгилларни сел қилиб, бетакор ижросини тугатгач, зал уни гулдурас қарсақлар билан олқишлади. Яқунда ҳакамлар ҳайъати Дилноза Асадовани 1-ўринга лойиқ деб топди.

Ёш истеъдод соҳиби Д.Асадова шундан кейин ўқиб-ўрганиш, изланишдан тўхтамади. Жаҳжи созанда Олмаотада бастакор Аҳмад Жўбанов хотирасига бағиш-лаб ўтказилган халқаро танловда ҳам ҳакамларни ҳайратлантирди. Ушбу танловда ҳам фахрли 1-ўринни қўлга киритган Дилноза виолончель чалишинг сирасорларини устози Дилором Ботировадан кунт билан ўрганмоқда. Қахрамонимиз Мухтор Ашрафийнинг "Сўзсиз" кўшиғи, "Чаман ялла" халқ кўйи, қолаверса, чет эл бастакорларининг мураккаб асарларини мароқ билан ижро этади.

Санъатга меҳр Дилнозага қон билан синган. Ота-си ва аммалари ҳам ижодкор. Уч ярим ёшда уйдагилари қизалоққа миттигина пианино олиб беради. Академик лицейда эса у виолончель чалишни ўрганди.

— Ижрони қойиллатиш ортида машаққатли меҳнат, санъатга меҳр ва тинимсиз тайёргарлик ётади, — дейди Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг камонли-торли чолгулар бўлимининг виолончель мутахассислиги бўйича 9-синф ўқувчиси Дилноза Асадова. — Заҳматли саъй-ҳаракатлар ҳосиласи бўлган чинакам муваффақиятга эришиш кишидан метин сабот, тириш-қонлик талаб этади. Устозим созанда сифатида саҳнада ўзини қандай тутиш кераклигидан тортиб, со-здаги ҳаракатларимгача эътибор қаратиб, зарур мас-

лаҳатлар беради. Чалган му-сикаларимни эшитиб: "Авва-ламбор, сенда туғма истеъ-дод бор, бу сенинг энг кат-та ютугингдир. Аммо сен етук созанда бўлишинг учун ўз устингда янада кўпроқ меҳнат қилишинг керак" дейдилар. Виолончель ҳаётимнинг бир бўлагига айлиниб улгурган десам, муболага бўлмайти.

Чиндан ҳам Дилнозанинг барча ютуқларида устози Дилором Ботированинг хизматлари катта. Шунингдек, у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Жаҳонир Ибрагимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Раимжонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Озод Йўлдошевдан беҳад миннатдор.

Дилноза кўшиқчилик борасида ҳам тинмай излана-ди. Ҳозирда у ўзини классик, халқ, эстрада йўналиш-ларида синаб кўрмоқда. "Ушшоқ", "Наманганинг ол-маси", "Дурдона" сингари ашулаларни маҳорат билан кўйлай олади. Бундан ташқари, Дилноза лицейда ма-қом йўналиши бўйича устози Хилола Каримовадан тах-сил олади.

"Она юрт оҳанглари", "Истеъдод" республика кўрик-танловларида муваффақиятга эришган қахрамонимиз халқаро миқёсдаги беллашувларда ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кетма-кет зафар қўчди. Чимкент ша-ҳрида бўлиб ўтган ёш ижрочиларнинг "Дарын" халқаро танловда 1-ўринга сазовор бўлгани бунга яққол ми-




солдир.

— Етук шогирд тайёрлаш игна билан кудук қазиш-дек гап, — дейди тажрибали мураббий Дилором Бо-тирова. — Дилноза меҳнатсеварлиги, ўз устид мунта-зам ишлагани боис, тенгдошларидан анча илгарилаб кетди. Ундаги масъулият, топшириқларни ўз вақтида бажаришини кўриб қувонаман. Ҳали олдинда қанча пил-лапоярлар турибди. Келгусида унинг академик чолгу-лар, эстрада ва аънавий ижрочилик соҳасида ўз ус-лубига эга етук мутахассис бўлиб етишишига ишона-ман.

Ҳар қандай жабҳада юсак марраларни забт этиш осон иш эмас. Астойдил ҳаракат, мақсад сари олға интилиш кўзланган манзилга элтади. Мақолани яқун-лаш чоғида Дилнозанинг дадаси бир хушхабарни ет-казди. Ёш истеъдод соҳиби Дилноза Асадова Зулфия номидаги давлат мукофоти учун танловнинг Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлиб, республика босқичига йўланмани қўлга киритибди. Умидли созандага ижо-дий беллашувларда муваффақиятлар ёр бўлишига ти-лакдошимиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРДИД

Кексаларни хурмат қил, устидан кул-ма, бир куни вақт келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

Байт:

Ёшмисан, кексани сен хурмат айла, Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла. Кексага кўмак бер — суянган тоғинг, Буни тушунарсан қариган чоғинг.

\* \* \*

Ота-онага нисбатан хурмат ва му-ҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туй-ғудир.

\* \* \*

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

Байт:

Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошига.

\* \* \*

Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юл-дуздек нур сочиб турадилар.

\* \* \*

Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

\* \* \*

Темир қалъани ёшлар қилич ишла-тиб йиқитсалар, қарилар фикр билан ағдардилар.

\* \* \*

Иззат-хурмат ота ва онани, шунинг-дек, болаларни ҳам кўриқлаб турувчи посбондир. У ота-онани кулфат ва гам-дан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.

\* \* \*

Фарзанд ота-она учун жондир. Бор-ди-ю у ноқобил бўлса, озори жондир.

\* \* \*

Қалби пок ота — пок авлод асосчи-сидир.

\* \* \*

Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги дех-қонни ўз ерига ишлов бергани каби-дир. Ерга қанча ишлов берилса, ҳосил шунча кўп бўлади.

\* \* \*

Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машхур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

\* \* \*

Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтди:

— Дунё кезиб, яхши-ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам доно "Мен илмда зўрман", — деб керилмай-ди, мақтанчоқлик нодонларга хос одатдир. Дононинг зийнати — камтар-лик, нодоннинг иллоти — манманлик. Зағизгон ҳар қанча баланд учгани би-лан лочин бўлмайди, зеро, олтин коса сингани билан баҳоси камаймайди.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти қошидаги молия ака-демик лицейи томонидан 2010 йилда Абдулкаймо-ва Одинахонга берилган L № 098239 рақамли дип-лом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ** ХАБАР ҚИЛАДИ  
Тошкент шаҳрида 15 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир, қор ёғиш эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 5-10 метр тез-ликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илқ бўла-ди. *Ўзгидрометнинг мони-торинг хизмати маълумо-тига кўра, 15 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модда-ларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яра-тади, ифлосланиш дара-жаси паст бўлади.*

## Билиб қўйган яхши

### НУҚТАЛИ ТАЪСИР ОРҚАЛИ БЕМОРЛАРНИНГ ЮРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАШДИ

Швейцариялик нейрофизиологлар илк бор орқа миянинг зарарланган бўлагига "нуқтали" таъсир кўрсатиш орқали юриш қобилиятини тиклай олишди.

Лозаннадаги Олий политехника мактаби нейрофизиолог Грегү-ар Куртин ва унинг Санкт-Петербургдаги Физиология институти-даги россиялик ҳам-касблари бир неча йил олдин фалаж бўлган каламушларнинг ҳара-катланиш қобилиятини жарроҳлик аралашуви-сиз тиклаш усулини ишлаб чиқишганди. Улар орқа мия ўта жиддий жароҳатланган тақдирда ҳам асаб то-лаларининг бир қисми шикастланмай қолиши-га эътибор қаратишган. Куртин ва унинг ҳам-касблари бундан тахми-нан 4-5 йил илгари бахтсиз ҳодиса оқиба-

тида юриш қобилияти-дан маҳрум бўлган уч нафар бемор билан ўтказилган тажриба на-тижаларини эълон қилишди. Орқа мия зарарлан-ган ҳудуддаги нуқтага таъсир ўтказиш орқали олимлар беморлар би-лан тажриба ва машқ-лар ўтказа бошлашди. Улар беморларни эк-зоскелет ичига жойлаш-тиришди ҳамда улардан югураётганликларини тасаввур қилишларини сўрашди ва миёда иш-лаб чиқарилаётган сиг-налларни ёзиб олишди. Электродлар имплан-тация қилинганидан сўнг Куртин ва унинг ҳам-касб-лари ёзиб олинган сиг-

налларни беморларнинг орқа миясига юбориш-ди ва бир вақтнинг ўзида уларнинг оёқларини ҳаракатлантиришди. Бир ҳафтадан сўнг кўнгилли беморлар тўқ турадиган ва автоматик тарзда кадам босадиган бўлиш-ди, 2-3 ҳафтадан кейин эса оёқларини ўзлари истаганидек ҳаракатлан-тира бошлашди. Беш ойлик машғулот-лардан сўнг уларнинг барчаси экзоскелет ичи-да бир неча соат даво-мида ҳеч кимнинг ёрда-мисиз ўзлари бемалол юрадиган бўлишди. Ҳозирда беморлардан икки нафари стимулятор ёрдамисиз мустақил ҳаракатлана олишмоқда.

## ГРИППНИНГ "НОЗИК" ТОМОНИ ТОПИЛДИ

Британиялик олимлар грипп вируси қобиғида структураси охириги 50 йил ичи-да ўзгармаган қисмини топиб, уни ушбу касалликдан яна бир универсал вакцина яратиш учун қўллашди. Бундай ёндашу-ни нафақат гриппдан, балки биз нормал кураша олмайдиган бошқа кўплаб касал-ликларга вакцина яратиш учун қўллаш мумкин. Эҳтимол, яқин орада вакцина-лар яратишда ҳақиқий инқилоб юз бе-

риши мумкин. Олимларнинг фикрича, вирус ўтмиш-да қандай эволюция қилгани ва унинг қайси қисмлари энг кам ўзгарганини тах-лил қилиш билан сариқ касал ва ОИВ-дан вакциналар яратиш мумкин. Гриппга қарши кураш унинг 3 та кўри-ниши борлиги сабабли мураккаблаша-ди, чунки келгусида унинг қайси тури тарқалишини прогноз қилиш қийин.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 2005 йилда Исмаилов Бобир Боходирович номига берилган № 255817 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўрта Чирчиқ туманидаги 41-ўрта таълим мактаби то-монидан 2009 йилда Сотболдиев Нурсултон Камило-вичга берилган O'R-SH № 1027980 рақамли шаҳодатно-ма йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи томони-дан 2012 йилда Олимжонов Нуриддин Сирожиiddин ўгли номига берилган K № 2729292 (0450-руйхат рақамли) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ислом уни-верситети қошидаги академик лицейи то-монидан 2015 йилда Ганиева Насиба Абду-рахим қизи номига бе-рилган L № 251642 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## АСОСИЙ МАҚСАД — ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 10 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида лоқайдлик сабабларига кўра аҳоли хонадонларида ис газидан захарланиш ҳолатлари рўй бериб, инсонларнинг соғлиғига жиддий зарар етатганлиги ҳамда энг ачинарлиси, ўлим билан тугаётган бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтилди ҳамда уларнинг олдини олиш борасида институт зиммасига бир қатор вазибалар юклатилди.

Берилган топшириқлар ижросини таъмин-лаш мақсадида Ёнгин хавфсизлиги институ-ти ташаббуси билан Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Республика маҳаллалар Кенгаши билан ҳамкорликда "Аҳоли турар жойларида ёнгинлар профилактикаси ва фуқароларнинг рўйхати захарланишининг олдини олиш" бўйича қўшма қарор ишлаб чиқилди.

Мазкур қўшма қарорга асосан институт-нинг профессор-ўқитувчилари ва тажриба-ли ходим ва курсантларидан иборат бўлган жамоа республикамизнинг барча ҳудудла-рида хонадонна-хонадон юриб, мавжуд му-аммо ва камчиликларни тез ва сифатли ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ҳудудлар-да тарғибот ва ташвиқот тадбирлари олиб бормоқда.

Амалга оширилаётган кенг қўламли тад-бирлар натижасида фуқароларни ис гази-дан захарланиши ва ёнгинларни келтириб чиқарувчи сабаблар аниқланди. Улар газ ва ҳаво аралашмасининг чакнаши, шунингдек, газ тармоғига нотўғри уланishi, хонадонлар-да очик оловдан фойдаланиш, дудбурон-ларнинг носозлиги, ностандарт шланглар билан уланishi, газ қувурларидан газ сизиб чиқиб кетганлиги ҳолати, носоз газ плиталари ва иситиш печларидан фойдаланиш оқиба-тида келиб чиқиб кетган бахтсиз ҳодисалар, иситиш печлари, хавфсизлик автоматикала-рининг носозлиги, очик ҳолатда электр сим-ларидан фойдаланиш, ёниб турган печлар-нинг назоратсиз қолдирилиши шулар жум-ласидан.

Ўз тенгқурлари каби спортнинг энгил ат-летика, теннис, баскетбол, дзюдо, сам-бо, тэквондо ва бошқа спорт турлари би-лан бемалол шуғулланишлари мумкин. Ушбу спорт тўғрисида улгайиб кел-лаётган ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширибгина қолмай, мамлакатимиз байроғини жаҳон майдон-ларида юқорига кўтарадиган спортчилар бўлиб етишишни талаб қоламиз!

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги Матбуот хизмати

Ушбу камчиликларнинг асосийлари қуй-идагилардан иборат: Иситиш печларига ўрнатилган носоз дуд-буронлар бўйича 2903 та ҳолат, ностандарт шланглар билан уланishi бўйича 1153 та ҳолат, газ қувурларидан газ сизиб чиқиб кетганлиги бўйича 506 та ҳолат, носоз газ плиталари ва иситиш печларидан фойдаланиш бўйича 489 та ҳолат, иситиш печлари хавфсизлик автоматикаларининг носозлиги бўйича 300 та ҳолат, очик ҳолатда электр симларидан фойдаланиш бўйича 131 та ҳолат кузатилди.

Мазкур камчиликларнинг 3564 таси му-тасадди ташкилотларнинг масъул ходимла-ри томонидан жойида бартараф этилиши ташкил этилди. Бартараф этиш муайян вақтни талаб эта-диган 2270 та камчилик туман шаҳарларда-ги ваколатли ташкилотларга киритиш учун туман ЁХБ бошлиқларига тақдим ва тақдим-номалар киритилиши таъминланди. Шунингдек, ҳудудларни ўрганишлар жа-раёнида ёнгин чиқиш хавфи бор, хусусан қаровчиси йўқ, спиртли ичимликларга ружу қўйган, ёлғиз яшовчи қария ва ногиронлар ҳамда руҳий касалликлар диспансерлари рўйхатида турувчи фуқаролар истискомат қиладиган 347 та хонадон ҳам ҳисобга оли-ниб, мутасаддиларга тақдим этилди.

Ўтказилаётган тадбирлар давомида фуқароларга 49 турдаги 84 минг 123 та эслатма ва буклетлар тарқатилиши таъминланди. Ҳозирда ушбу тарғибот ва ташвиқот иш-лари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом эттирилмоқда.

Хуришд МАХАМАДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти катта референти

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**  
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz  
Буюртма G-2 46

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.  
факс: (0-371) 233-29-55  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
2358 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашр этилиши берилган масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета тахрират қолматер марказида терилди ва сақифаланди.  
Нашр учун масъул О. Ҳазратов  
Босишга топширилди: 14:30

«Шарп» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй  
Баш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ